

HUQUQ

**Mustaqillik
huquq
demakdir**

№ 33 (194),

15 - 21 - avgust

2001-yil

YURIDIK GAZETA

ПРОКУРАТУРАДА СПОРТ БАЙРАМИ



Суратда: Турнирда ғолибликни қўлга киритган Марказий маҳкама жамоаси аъзолари

СПОРТ ва саломатлик. Бу иккисини бир-биридан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Спортга ошно миллат соғломдир. Соғлом миллатнинг руҳи тетик бўлади, эртанги кун, келажақ учун ёниб яшайди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига қўтарилган. Спортнинг ўнлаб турлари бўйича Ўзбекистон миллий биринчилиги, талабалар ўртасида университетлар, мактаб ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» мусобақаларининг ўтказилиши фикримиз далилидир. Мамлакатимизда ҳеч бир ой, фасл йўқки бирон-бир спорт мусобақаси ўтказилмаётган бўлсин. Республика прокуратураси раҳбариятининг ташаббуси билан прокуратура идоралари ходимлари ўртасида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб уюштирилган футбол ва теннис бўйича «Қонун ҳимоячиси» турнири шулар жумласи-

сурхондарёликларнинг узокдан дарвозага аниқ зарба беришлари томошабинларни хушуд қилди. 3-ўрин учун бўлган ўйинда Тошкент вилояти жамоаси хоразмликларни мағлуб этди - 5:1.

Шундай қилиб, 1-ўрин (олтин медаль) Марказий маҳкама, 2-ўрин (кумуш медаль) Сурхондарё, 3-ўрин (бронза медаль) Тошкент вилояти жамоасига насиб этди. Шунингдек, Р.Абдуллаев (Сурхондарё), Ф.Худойбергандов (Хоразм)лар энг яхши дарвозабон деб топилди. С.Алиев (Сурхондарё) энг яхши ҳимоячи, Ш.Раҳматов (Марказий маҳкама) ва Ж.Исроиллов (Тошкент вилояти) энг яхши ярим ҳимоячи, Р.Ҳафизов (Тошкент вилояти) ва И.Чўлиев (Хоразм) энг яхши ҳужумчи савринига сазовор бўлишди. Ҳ.Қурбонов (Марказий маҳкама) ва Р.Ҳафизов (Тошкент вилояти) мусобақада энг кўп тўп киритган футболчилар бўлишди.

Теннис бўйича аъкалик бахсларида Шарқий ҳарбий округ прокурори Ш.Узоқов 1-ўринни, Хоразм вилоят прокурори Д.Исроиллов 2-ўринни, Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Ж.Норматов 3-ўринни эгаллашди.

Жуфтлик бахсларида О.Оқиллов ва Р.Пўлатовлар (Марказий маҳкама) ғолиб чиқишди. 2-ўрин О.Амиркулов ва Н.Амиркуловлар (Қашқадарё)га насиб этди. Ж.Исоқов ва Я.Уринбоевлар (Фарғона) 3-ўринни олишди.

Шунингдек, Ҳ.Максудов (Самарқанд) энг умидли теннисчи, Т.Норматов (Сурхондарё) фахрий теннисчи, Ж.Исоқов (Фарғона) энг чиройли ўйин кўрсатган теннисчи деб топилдилар.

Мусобақаларнинг ҳамда ғолибларига кубок ва медаллар, қимматбаҳо совринлар ҳамда эсдалик совгаларини Ўзбекистон Бош прокурори Рашидjon Қодиров, Бош прокурорнинг 1-ўринбосари Азимjon Эргашев, Бош прокурор ўринбосарлари Эшдавлат Жўраев ва Эркин Қудратовлар топширишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мусобақалар қонун ҳимоячиларининг камолот кўригига айланб кетди. Комиллик эса бир кунда ё бир ойда эришиладиган мартаба эмас. Умид қиламизки, кучимизга куч, руҳимизга қувват бахш этган «Қонун ҳимоячиси» турнири анъанавий бўлиб қолади.

Ҳасан НИШОНОВ

Турнирда тайёргарлик ишлари қисқа фурсатларда олиб борилганлиги кўпчиликни шошириб қўйганлиги сир эмас. Айниқса, Хоразм вилоят прокуратурасида вилоят прокуратуралари орасида энг кичик жамоа эканлиги танлаш имкониятини бироз камайтирди. Шунга қарамай, тузуққина футбол жамоаси шаклланди. Вақт қисқа бўлганлиги сабабли, жамоа аъзолари эрталаб ва ишдан кейин тажрибали тренерлар бошчилигида футбол техникаси, тактикаси ва жисмоний тайёргарлик бўйича машқлар ўтказишга бошладилар. Жамоадаги қатъий интизом, ишқибозларнинг олқиши қорақалпоғистонлик ва самарқандлик ҳамкасблари устидан ғолиб чиқиш имконини берди. Ярим финалга кучли иштиёқ билан келган футболчилар ҳужумга зўр бериб, ҳимояни унутиб қўйганликлари боис мағлубиятга учрадилар. Шунга қарамай хоразмликлар тўртинчи ўринга сазовор бўлдилар. Жамоа дарвозабони Ф.Худойбергандов, ҳужумчи И.Чўлиевлар чиройли ўйинлар намоиш этганликлари учун Республика прокуратураси томонидан тақдирланди.

КИМ ҚАНДАЙ ИШЛАСА, ШУНДАЙ ТЎП СУРАДИ

Хоразмликларнинг теннис мусобақасига тайёргарликлари эса бирмунча мураккаб кечди. Прокуратура ходимлари орасида спортнинг бу турига ишқибозлар йўқлиги сабабли, вилоят шарафини ҳимоя қилиш шахсан вилоят прокурори Д.Исроиллов зиммасига тушди. У ҳар бир мусобақага масъулият билан ёндашиб, олти ўйиннинг бештасини ғалаба билан якунлади ва фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўтган яшанба кuni вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган йилги «Қонун ҳимоячиси» турнири якунларига бағишланди. Вилоят прокурори Д.Исроиллов хоразмликлар бутурида муваффақиятли иштирок этганлигини таъкидлаб, энг яхши спортчиларга эсдалик совгаларини топширди.

— Турнир биз учун катта сабоқ бўлди, бундан кейин фақатгина турнир давомида эмас, балки йил бўйи спорт билан шуғулланамиз, — дейди Д.Исроиллов турнир таассуротлари ҳақида гапира туриб. — Спорт соғлигимизни мустаҳкамлаш билан бирга, ишимизда ҳам муваффақиятга эришишимизни таъминлайди.

Эндilikда эса вилоят прокуратурасининг музейида яна бир бўлимга асос солинди. Яъни спорт мусобақаларида қўлга киритилган совринлар учун алоҳида жой ажратилди. «Қонун ҳимоячиси» турнири якунланган бўлса-да, спорт майдонларида машғулотлар одатдагидек давом этмокда. Негаки, йил ичида ҳафтада уч-кун машғулотлар ўтказишга қарор қилинди. Қолаверса, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами шарафига вилоят прокуратураси маҳкамаси ва туман, шаҳар прокуратура идоралари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказиш кўзда тутилган. Тез кунда вилоят прокуратураси ҳовлисидаги ихчам майдончада ана шу мусобақаларга старт берилади.

(Ўз мухбиримиз)

ЧАҚИРУВ ҚОНУНИЙЛИГИ ЙЎЛИДА

11 август кuni Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Миллий ҳавфсизлик кенгаши, Республика ҳарбий прокуратураси, Ҳарбий суди, тегишли вазирликлар раҳбар ходимлари, ҳарбий прокурорлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят мудоффа ишлари ва соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари иштирокida ёшларни Қуролли кучлар сафига қабул қилишда қонунга риоя этиш масалаларига бағишланган идораларо кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Республика Мудоффа вазири Қ.Ҳуломовнинг «2001 йилнинг баҳорида фуқароларни мuddатли ҳарбий ва муқобил хизматга қабул қилиш ва Қуролли кучлар сафини ёшлар билан тўлдирishни тубдан яхшилаш вазифалари тўғрисида», Республика Бош прокурорининг ўринбосари, Ҳарбий прокурор Б.Дехқоновнинг «2001 йил баҳори қабул қилишда Мудоффа ишлари бошқармалари ва бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларига риоя этиш ҳолати тўғрисида»ги маърузалари тинланди.

Армиянинг жанговар шайлиги кўп жиҳатдан унинг сафларини ёш қаҳрилувчилар билан тўлдирishнинг сифати, хизматга бoрибoлoтган ёшларнинг жисмоний ва маънавий ривожига боғлиқдир.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаёқ ҳамдўстлик давлатларининг ичида биринчи бўлиб фуқароларни ҳарбий хизматга қабул қилиш ва у билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Яъни «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатлар амалиётга жорий қилинди. Қун тартибидидаги масала юзасида фуқароларнинг ҳарбий хизматга қабул қилиш тартибига солувчи қонунлар ва идоравий норматив ақтларни такомиллаштириш учун тақлифлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш комиссиялари ишини тубдан яхшилаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларида «ватанпарвар» таъкилот, ҳокимлик идоралари ролини ошириш тўғрисидаги амалий вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси матбуот гурӯҳи

Ғолибларни тақдирлаш панити.

дандир.

Теннис мусобақалари бироз эрта якунлангани боис, 8 август кuni Тошкентдаги МХСК стадионида футбол бўйича ғолибликни қўлга киритиш учун Марказий маҳкама - Сурхондарё жамоалари майдонга тушишди. Шунинг таъкидлаш кераки, футболчиларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам кайфияти байрамона ва ҳамма қизикарли ўйин кўриш иштиёқига эди. Ҳисобнинг 4:3 лигиёқ уларнинг умидлари оқланганидан далолат. Айниқса, Марказий маҳкама ҳужумчиси Ҳ.Қурбоновнинг ажойиб финтлари, ярим ҳимоячи Ш.Умрзоқовнинг рақиб жарима майдончасига дадил ёриб киришлари,

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Isломov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar e'galariga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2649
Nusxasi - 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV

Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**ФАОЛИЯТИМИЗИНИНГ АСОСИЙ
МАҚСАДИ**

Аввало, шаҳар прокуратураси ҳайъати ҳамда ҳуқуқий муҳофаза этувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти жадаллаштирилди. Долзарб масалалар ҳуқуқий муҳофаза этувчи идоралар ходимлари иштирокида кўрилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланмоқда. Амалга оширилаётган мажбур тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, умумий назорат йўналиши бўйича прокурорлик таъсир чоралари самардорлиги 17,5 фоиздан 25 фоизгача ошди. Шаҳар бўйича 64 та корхонанинг 2001 йил 1 январ ҳолатигача мавжуд бўлган 1 млрд. 317 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари ўтган 6 ой давомида сезиларли даражада камайишига эришилди.

Айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ўз вазифасига масъулиятсизлиги оқибатида ишчи-хизматчилар иш ҳақидан қардорлик муаммоларига тез-тез дуч келинмоқда. Пойтахт корхона ва ташкилотларида иш ҳақидан қардорлик йил бошида 3 млрд. 63 млн. сўмини ташкил этган бўлса, кўрилган таъсир чоралари натижасида бу миқдор 1 млрд. 280 млн. сўмга камайтирилди.

Кўпчиликка яхши маълумки, бозор муносабатлари шaroitларига мослаша олмаган, иқтисодий ноқурилиқ юз тутган корхоналар, ташкилотлар иқтисодий тараққиёт йўлига тўғон қўйилиши турган гап. Мана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, шаҳар прокуратурасининг умумий назорат бўлими ва туман прокурорлари томонидан иқтисодий ноқор, зарар кўриб ишлайётган корхоналарни банкрот деб топиш ҳақида судларга даъво аризалари киритилиб, суд қарорлари ижро-

«Қонуни устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidir. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуinning қатъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий -сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас». Президент Ислам Каримовнинг ушбу сўзлари мазмун-моҳиятини мустақил Ўзбекистон прокуратураси фаолияти ўзида мўжассам этди. Буни қонунийликни мустаҳкамлаш бора-сида бир қатор ишларни амалга ошириб келаётган Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

сини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Зеро, Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, «...Қонуни устуворлиги шунчи билдирадиги, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қону билан тартибга солинади, унинг қатъиянчилиги эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади».

Маълумки, муқаддам судланган, жазони ўтаб қайтган шахслар билан ишлаш алоҳида эътибор талаб қилади. Ҳаётнинг мураккабликлари инсонларга ҳар хил таъсир ўткази-ди. Кимдир қонуnларга риоя қилиб яшашни афзал билса, айримлар билиб-билмай қонуn чизирини босиб ўтади. Қонуnбузарлиги, жинояти учун жазосини ўтаган, яна жамиятда ҳамма қатори яшашга ҳақли бўлган инсонларнинг тақрор жиноят кўчасига кириб кетмаслиги учун ҳам қар биримиз қайғондир. Маънода масъулмиз. Аммо ички ишлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан муқаддам судланганлар билан профилактик ишлар, уларни ижтимоий кўчасига кириб кетмаслиги талаб даражасида ташкил қилин-маганлиги, бунинг натижасида рецидив жиноятлар 3,3 фоизга ошганлигини таъс-суд билан айтиб ўтмоқчиман.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар прокуратураси идораларида жиноят ишларини қонунда белгилангандан ортиқ муда-

датда тергов қилиш ҳолатлари камайишига эришилган.

Ички ишлар идораларида тергов нати-жасига кўра, ҳаракатдан тугатилган 21 та, ҳаракатдан тўхтатилган 54 та, жиноят иш-ини қўзғатишнинг рад этиш ҳақида қабул қилин-ган 114 та ноконуний қарор шаҳар прокурату-раси ва туман прокурорлари томонидан бекор қилинган.

Жиноятчи яшириш ҳам жиноят. Бу ҳолатта ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томо-нидан йўл қўйилса-чи? Фақатгина ўтган ярим йилликда шаҳар ички ишлар идоралари ходимлари ҳисобдан яшириб қолган бир нечта жиноятлар аниқланган.

Бу жиноятлар ариза ва хабарларни қайд этмаслик, ноконуний равишда жиноят иш-и қўзғатишнинг рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ва бошқа йўллар билан ҳисобдан яшириш билан боғлиқ. Жиноятга жазо бер-маслик учун рағбатлантириш билан баробар эканлигини наҳотки масъул лавозимдаги бу шахслар унуттишган бўлса?

Солиқ тўловларининг ўз вақтида давлат газналарига келиб тушишиши жамият фа-роновлиги манбаи эканлигини бутун жам-миз ҳам яши тушунамиз. Лекин шунга қара-май, солиқ идораларининг айрим ходимла-ри ўз вазифаларидан «чалтиб» қолишмоқда. Мисол учун, солиқ идоралари ходимлари

зиммасига қўлатилган асосий вазифалар -солиқ ва тўловларни ундириш, мамлакат-нинг молиявий барқарорлигини таъмин-лаш, пул-кредит сиёсатини такомиллашти-риш фаолияти назардан четда қолиб, «фа-олият билан лицензиясиз шугўлланиш» ва «савдо қилдиларини бузиш» каби кам ҳақим-ятли жиноятлар кўплаб аниқланмоқда. Бун-дай салбий таъсирот уйғотувчи хатти-хара-катлар, фуқаролар орасида солиқ сиёсати-га, унинг жамият тараққиётидаги муҳим омил эканлигига бўлган ишончининг камай-ишига сабаб бўлмайди, дебақалат бериш қўйин.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция босқичида бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳўкмилар мавжудлиги бу ишдаги камчиликлардан далolat беради. Прокурорларнинг апелляция протестлари билан 242 нафар шахсга нисбатан ҳўкмилар бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Шаҳар бўйича апелляция протести келтириш са-марадорлиги 67 фоизни ташкил қилган.

Ўтган ярим йилликда шаҳар ва туман фуқаролик ишлари бўйича судлари томони-дан 7839 та фуқаролик иш қўйрилган бўлиб, апелляция босқичида 130 та суд қарорлари фуқароларнинг шикоятлари ва апелляция протестларига асосан бекор қилинган.

Ҳўжалик судига жами 123 та 756 млн. 558 минг сўмлик даъво аризалари киритилиб, улар қаноатлантирилди.

Шаҳар прокуратураси идоралари томо-нидан қонуnларни мўжассамлаштириш ва тарғибот ишлари бўйича қўрилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу ал-батта жамиятнинг шикоятлари ва апелляция протестларида ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида, ҳуқуқий онгнинг шаклланиши-да муҳим ўрин тутлади.

Фикримизга мўтасар ҳулосасайдиган бўлса, мамлакатимиз пойтахтида қонуn устуворлигини, жамият барқарорлиги, фу-қаролар ҳуқуқ ва манфаатларини қафolat-ли ҳимоялаш фаолиятимизнинг бош мақса-дини ташкил этди. Бутун истисноқнинг 10 йиллик ўтми арасида бачча юртдошлари-мизга, шўжўмладан, ҳуқуқ-тартибот идо-ралари ходимларига мана шу эзгу мақсад йўлидаги меҳнатларига барака тилаб қала-ман.

Б. БАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори
ўринбосари

ПРОКУРОР СЎЗ СЎРАЙДИ**УМИДЛАР СЎНГАН ЖОЙДА...**

Ҳаётда турли характерли инсонлар бўлади. Инсонлар ана шу характерлари билан бир-биридан фарқ қилади. Доншмандлар таъбири билан айтганда, қобилиятсиз инсоннинг ўзи бўлмас экан, Кимдир мусиқага, яна кимдир техникага қизиқади. Иродали, қаттиққўл, ишининг кўзини биландириш, тadbirkor инсонлардагина раҳматли қобилияти бўлади. Бу ҳақда уйлаганимизда ота-боболаримизнинг «Минг қўлишга бир боши» деган сўзи ёдимизга тушади. Албатта ишнинг кўзини билиб жамоани олға бошлаш бугунги кунда ҳамма раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабли республикамиздаги айрим корхоналар банкротликка учрамоқда. Бунинг сабаби баъзи ташкилотга ишнинг кўзини билмайдиган шахсларнинг раҳбар этиб тайинланишидадир.

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Газавтоматика» ОТАЖ бошқарувиغا Ю. Филипповни раҳбар этиб тайинлашди. У ҳам олдинги билдирилган ишончин оқлаш учун ҳаракат қилди. Яхши ният билан «Тогрина» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси билан шартнома тузди. Мақсад жамиятнинг солиқ ва бошқа тўловлар бўйича вақтида тўланмаган қарзларини тўлаш эди. Жамиятнинг баъзи мол-мулки Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази орқали туман ДСИ иштирокида 15561000 сўмга сотилди. Ана шундан сўнг ҳам корхонанинг молиявий аҳоли ўлғулармади. Сабаби фақатгина жорий йилнинг 30 апрелигача «Тогрина» фирмаси 6001000 сўм маблағни ўтказиб берди. Маблағнинг қолган қисми эса тўланмаган. Яқинда туман прокуратураси «Газавтоматика» ОТАЖнинг нима учун бекор молиявий аҳолига тушиб қолганини ўрганиб чиқди. Текширишда айрим ноконуний ишлар маълум бўлди.

Қизиги шундаки, Ю. Филиппов станок ва жиҳозлар жамиятнинг зарур меҳнат восита-лари эканлигини била туриб, сотиб юборган. Унингиз мулоҳаза қилиш, иш қуролни сотилган жойда қандай қилиб ишни ривожлантириш мумкин. Аёибанларлиси, сотилган станоклар ўрнига янги иш олинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонуnнинг 93 - моддаси талабларига зид равишда жамиятнинг умумий йиғилиши ва қўзувче кенгашининг ҳуқуқсиз шартнома тузган жамият раҳбари анчагина ноконуний ишларга қўл урган. Агар биз Ю. Филиппов қонундан беҳабарлиги учун ана шу камчиликларга йўл қўйган десак, адашамиз. Биз унинг айрим ишлари ҳақида тўхталиб, ҳолос. Бу раҳбарнинг олгирилиги тўғрйли жамият миллионлаб зарар кўрган. У аксарият шартномаларни имзолаганда шахсий манфаати нукта-н назари-дан ёндўшганлиги текширишларда маълум бўлиб қолди. Жамиятнинг омбор мудирини Н. Остовскага ҳам ўзининг бошлиқидан қолишмаган. Унинг фаолияти таҳлил қилинганда омборда 93 минг 721 сўмлик камомад аниқланди.

Раҳбар - жамоанинг отаси. Раҳбар қўл остидаги ҳар бир ходимнинг соғлиги, ижтимоий ҳимояси учун ҳам масъулдир. Ана шу масъулиятни ҳис қилган раҳбарнинг ўз жамоасида

хўрмати ва обрўси бўлади. Аксинча бўлса, ўша жамоада ёз-ёзлар ва шикоятбозликлар авжига чиқади. Кейинги пайтларда баъзи раҳбарлар ўзларини ўйлаб жамоани унутиб қўймоқда. Жамият бошқарувчиси Ю. Филиппов ўз жамоасини ўйламади. Қўзғатди ишчи-биликчилар иш ҳақидан 3603303 сўмлик муддатни ўтган қардорлик юзига келди. Ҳақли савол туғилади. Умид билан ҳар тонг жамият дарвозасига кирган ҳар бир ишчи ва хизматчи маошини олсам дейди. Маош ўз вақтида тўланмаган, умидлар сўнган жойда иш унуми бўлиши мумкинми?

Каердаки, раҳбар нопок бўлса, ўша жойда турли қонуnбузарлик ҳолатлари содир этилади. Тумандаги уй-жой муқдорлари ширкатининг фаолияти ўрганилганда коммунал тўловлар бўйича жорий йилнинг июль ойига қарор қилинган дебитор қарзлар 10246109 сўмини ташкил қилганлиги аниқланди. Корхона раҳбари В. Гусенков ўзининг ҳамтововлари билан қарзини ундириш ўрнига ўз манфаатини қўлаб қалбаки ҳужжатлар билан ўзлаштирган. Улар ўзларича бизнинг ишимизни ҳеч қим билмайди деб ўйлашган. Аслида эса қўза кунда эмас кунда сиғишини унуттишган қўриқари.

Бирон ташкилотга раҳбар тайинланаётганда бўлгуси раҳбарнинг барча ҳислатлари ўрганилиши лозим. Афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда бўлгуси раҳбарларнинг ишчанлик ҳислатлари қолиб, шахсий сadoхатларига қараб тайинлашга эътибор қаратила-япти шекилли. Агар шундай бўлмаганда раҳбар томонидан қонуnбузарлик бу даражада авж олган бўларди.

... 1999 йил декабр ойида фуқаро Исмоил Ҳ. Ольчиёв Тошкент шаҳар ҳўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, туманимиздаги Маннон Уйғур қўчасининг 471 «А» уйида жойлашган дўкон бизнесига мулк ҳуқуқини тасдиқлаб бериш ҳақида мурожаат этган. Қўшлриқоничидаги тadbirkorнинг талаби бажарилади. Аммо, туман прокуратураси хусусийлаштириш ҳақида-ги қонуnлик юзасидан умумий назорат тартибида текшириш ўтказганида Ю. Ольчиёвнинг қалбаки ишлари фoш бўлади. У ҳамтовови А. Абдулжоллов билан ҳамкорликда барча расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганлиги маълум бўлди. Афсуски, кейинги пайтда баъзи раҳбарлар қўлаётган ишларининг жиноят эканлигини била туриб ҳеч қандай пастанқилик-дан қайтмишмаяпти. Энг ачинарлиси, бундай ишларни қонунчи яши билдирган қўмсалар қилишмоқда. Баъзи виждони жигилдонга айланган раҳбарларнинг айби билан давлат хазинаси миллионлаб зарар кўрмоқда.

Ҳар бир соҳадаги муаммоларни аш шу соҳадagi малакали кадрлар ҳал қилади. Агар шу малакали кадрлар раҳбар бўлса, нур устига нур бўларди. Бу бор ҳақиқат.

М. ҚАҲҚОРОВ,
Акмал Икромов тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

ХУҚУҚИЙ

Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

ЭГАСИ КИМ?

Мен ўзим қурган уйда онам ва акам билан яшаб келардим. Уйланганимдан кейин бошқа уй қилиб чиқиб кетдим. Лекин мен чиқиб кетишимда ҳеч нима олмадим.

Олдинги яшаган уйдан бирор бир нарса олишга ёки унга эгалик қилишга ҳақиманми?

Томорқамиз ўртасидан отам қазиган қудуқдан сув чиқади. Бугунги кунда баъзи бир қўшниларимиз шу қудуқни ўзлариники қилиб олишмоқчи. Улар шундай қилишга ҳақлими?

Қонун бўйича фуқаро қандай ҳолатларда ҳимояга муҳтож ҳисобланади?

Б.БОТИРОВ,
Қўшработ тумани, Тоз қишлоғи

СОЛИҚ КЎП ЭМАС-МИ?

Мен 2000 йилнинг сентяб-ридан 2001 йилнинг март ойигача институтда ўқиниб асосида ишлаб келдим. Ҳар бир дарс соати учун 185 сўм 27 тийин белгиланган экан. Лекин менга ўтган дарс соатларимга тўлиқ иш ҳақи тўланмади. Сабабини сўрасам, 25 фоиз даромад солиғи, 2,5 фоиз касабга уюшмасига, 1 фоиз пенсия жамағармасига ушланганини айтишди. Бухгалтер эса асосий иш жойинини яширанинг учун даромад солиғи кўп ушланган, деб айтди. Унинг фикри тўғри-ми?

Агар даромад солиғи ортиқча ушланган бўлса, у қайтарилиши керакми?

2001 йил 1 январгача даромад солиғи қанча бўлган?

Ф.ЖЎРАЕВА,
Қарши шаҳри

ТЕКИН ХИЗМАТ

Биз Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида истиқомат қиламиз. Сизларга бир савол билан мурожаат этмоқдамиз: Ишхонамизда турли нарсаларга деб, ойлик иш ҳақимиздан ушлаб қолишарми. Ишлаган ходим иш ҳақини тўлиқ олишга ҳақли эмас-ми?

Х.БЕКИМОВ, О.РЎЗИЕВ, Ш.РАЖАПОВ

Меҳнат ҳақи иш берувчи билан ходим ўртасидаги қелишувга биноан шартлар ҳақида кўрсатилган миқдор асосида белгиланади. Меҳнат шартномасида белгиланган шартларни тўлиқ бажарган ходимга иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, бажарган иши учун меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

Лекин Меҳнат кодексига мувофиқ, ходимнинг розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда суднинг ҳал қилув қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Куйидаги ҳолларда ходимнинг розилигисиз ҳам меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин:

- Республикада белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун;

- суд қарори ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро қилиш учун;

- иш ҳақи ҳисобида берилган аванси ушлаб қолиш учун, ҳўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган аванси ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китоб қилиш вақтида йўл қўйилган хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бу миқдор хатоларга йўл қўйилган кундан бошлаб, бир ой ичида ушлаб қолинади. Агар бу муддат ўтиб кетса ёки бошқа шу каби сабабларга кўра, ўз вақтида ушланмаган бўлса ёхуд ходим бунди асоссиз деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд орқали ундирилади;

- ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган меҳнат йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳам Меҳнат кодексининг 89-моддаси 4-қисмида, 100-моддаси 2-қисмининг 1-2-бандларида, 106-моддаси 1-6-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки нафақага чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

- ходимнинг иш берувчига етказган зарарни қоплаш учун (агар етказилган зарар ходим оёлиқ иш ҳақидан ортқ бўлмаган тақдирда) ва ходимга меҳнат интизомини бузганлиги натижасида иш берувчи томонидан интизомий жазо сифатида қўлланилган жаримани ундириш учун.

Мададталаб мактуб

СУД ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

Ассалому алайкум ҳурматли тахририят!

Сизларга ушбу мактубни йўлашдан мақсад, бузилган ҳақ-ҳуқуқимни тиклашга ёрдам берасизлар деган умиддаман.

Мен анча йиллардан буён «Бийбозор» ДФХУда ишлаб келаяпман. Авваллари ишларимиз чакки эмасди. Вақтида ишимизни қилиб, маошимизни олардик. 1994 йилдан кейин иш тартиби ўзгарди, ё раҳбарларимиз бирор «ихтиро» уйлаб топшидиларми, анча муддатдан буён маошларимизни ололмаямиз.

Тўғриси, қатнайвериб чарчаркан киши. Кейин-кейин раисимиз М.Йўлдошевнинг жергиб беришларидан ҳадиксираб, ҳақимизни сўраб боришга ҳам истиҳола қиладиган бўлдим.

Ўзингиз уйланг, кеча-кундуз ишласак, айтилган вазифани бекам-кўст бажарсагу, дакки эшитсак. Бу қандай гап?

6 нафар фарзандим бор. Ўзимнинг ҳам, турмуш ўртоғимнинг ҳам саломатлиги яхши эмас. Ҳаёт экан, бор кунингиз бор, йўқ кунингиз бор. Чидадим. Прокуратурага ариза билан бордим. Туман проку-рори Комилжон Юсупов жуда ҳушмуомала, одамлар аҳволини тушунадиган инсон экан. Мени илқ кутиб олди. Аризам бўйича туман фуқаролик судига иш ҳақимини ундириб бериш бўйича даъво ариза киритилди. У 2001 йил 6 февраль кун суд мажлисида қўриб чиқилди. Ҳатто менга 15 минг 450 сўм иш ҳақимни ундириб бериш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди.

Ушандан кейин ишларим ботиб деб ўйловдим. Йўқ, янглишган эканман. Қайтага раисимиз М.Йўлдошев «Нега прокуратурага, судга борасан» деб мени хонасидан ҳайдаб юборди. 6 ойири суд қарори ҳам бажарилмай келмоқда. Қонун устувор жамият учун чидаб бўлмас ҳол бу.

Ҳурматли тахририят авзолари! Мен нима қилай, ёрдам беринг.

Ажибой САРМОНОВ,

Беруний туманидаги «Бийбозор»

деҳқон-фермер ҳўжаликлари

уюшмаси ишчиси

Ҳар бир ҳолатда у ёки бу мулкка эгалик ҳуқуқини олиш учун бунди тасдиқловчи далил ва ҳужжатлар бўлиши лозим. Сиз тилга олган ҳолатда уй сизнинг мулкнингиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бунга асос бўлиши мумкин. Агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки у онангизнинг мулки ҳисобланган бўлса, унда мулк мерос ҳуқуқи ёки васиятнома асосида бўлиниши мумкин. Бу борада низо келиб чиққан тақдирда, масалани суд орқали ҳал этилишига эришиш лозим.

Иккинчи саволингизга келсак, унда сиз тилга олган баъзи бир одамлар сизга қарашли ер участкасидан қонун бўйича чекланган тарзда фойдаланишга ҳақли. Қонун тили билан айтганда, бу сервитут ҳуқуқи деб аталади.

Ўзганинг ер участкасига нисбатан сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

- пиеда ёки транспортда ўтиш учун йўл сифатида фойдаланиш, дренаж ишлари ўтказиш;

- электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш, улардан фойдаланиш;

- экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш;

- молларни ўзганинг ер участкасидан ҳайдаб ўтиш;

- қидирув, таджикот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

- ихота дарахтлари экиш ва табиати муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Бу ҳуқуқдан бошқа мақсадларда ер участкаси эгаси, фойдаланувчи, ижарачи ва мулкдор ўртасидаги қелишувга мувофиқ фойдаланишга ҳақли. Бундай қелишувга эришилган тақдирда сервитут суднинг ҳал қилув қарори асосида белгиланиши мумкин.

Сервитут тўғрисидаги қелишув давлат рўйхатига олинади ва ер участкаси бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам бу ҳуқуқ сақланиб қолади. Сервитут уни белгилашга асос бўлган сабаблар барҳам топган бекор қилиниши мумкин.

Учинчи саволингизга келадиган бўлсак, фуқаро ўз ҳуқуқлари пой-мол этилди, деб ҳисоблаган ҳар қандай ҳолатда уни ҳимоя қилиниши-ни сўраб мурожаат этишга ҳақли.

ХИЗМАТ ЭВАЗИ НИМА БЎЛАДИ?

Бизнинг Беруний туманида жойлашган тиббий кўрикдан ўтказувчи «Саломатлик» ҳусусий поликлиникаси 1995 йили Қорақалпоғистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлигининг №1161 солиқ бўйруғига асосан очилган эди. Поликлиника Қорақалпоғистон Республикаси мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи №003821 давлат ордери ҳамда Беруний ҳокимлигининг 17 август 1996 йил № 6 реестр билан рўйхатдан ўтганмиз. Ўз низоимиз, Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлигининг лицензиясига эгамиз. Ўз муҳр ва штампамиз, банкда ҳисоб рақамимиз бор. Кейинги пайтларда туман халқ таълими бўлими мудири Р.Ҳасанов ўқувчиларни бизга қарши қўйиб ҳусусий поликлиника эканлигимизни анибатга олмасдан, тиббий кўрикдан ўтишда биз билан шартнома тузишдан бош тортмоқда. Раҳбар бўла туриб «Ходимлар учун пул тўламайман», деб ҳар томонга ёзув-чизувлар қилиб юрибди.

Ким ҳақ? Мана шу масалада биз тадбиркорларга аниқ маслаҳат берсангиз.

А.МАВЛОНОВ

«Ишонч» газетасининг 2001 йил 14 апрель кунги сониде сизнинг саволингизга... «Агар тиббий кўрикдан ўтиш юқори тиббиёт муассасаси томонидан фақат ҳусусий поликлиникада бажарилгани кўрсатилган бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тиббий кўрикдан ўтишга йўланма берган муассаса томонидан тўланади. Яъни, 2 муассаса ўртасида шартнома тузилади ва тиббий кўрикдан ўтказиш мажбуриятини олган муассаса-нинг ҳисоб рақамига пул ўтказилади. Бу масалани ҳал қилишга Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касабга уюшмаси қўмитаси ҳам ёрдам бериши керак...» деб жавоб берилган. Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талабига кўра тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган тоифадан ходимлар тиббий кўрикдан ўтиш муносабати билан чиқимдор бўлмаслиқларни кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, 216-моддага мувофиқ меҳнатни муҳо-фаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Улардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги қелишувга биноан белгиланади. Иш берувчи томонидан ташкил этилган тиббий кўрикдан бош тортиб ўзи мустакил равишда бошқа жойда тиббий кўрикдан ўтадиган бўлса, бу билан боғлиқ харажатларни ўзи қоплайди. Бошқа барча ҳолларда ходимларни кўрикдан ўтказиш иш берувчининг зиммасида бўлади ва барча харажатларни тўлайди. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қондаларига риоя этилиши устидан давлатнинг тегишли органла-ри назорат қилиб боради, касабга уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари эса жамоат текширувни амалга оширадлар.

Бу масала бўйича низо келиб чиққан тақдирда, судга мурожаат этиш лозим.



— Ботир Ҳамзаевич, айни кунларда барчамиз энг улуғ байрам — республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Вилоят прокуратураси идоралари ҳам ушбу кутлуг тўйни муносиб кутиб олиш ҳаракатида. Шундай эмасми?

— Мамлакатимизда байрамлар, нишонлангани саналар кўп. Аммо улар ичида энг улуғи, энг азизи ва энг қадрлиси мустақиллик байрамидир. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим: ана шу кутлуг кун тўғайли саодатли кунларни кўриш бахти насиб этганини ҳеч вақт унутмаслик керак. Барча юртдошларимиз қатори жамоамиз аъзолари ҳам мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини кутиб олаётганликларидан, ушбу айёмга муносиб тайёргарлик кўраётганликларидан беҳад мамнундирлар. Мустақиллик бизга озоодлик, эркин фикрлаш, олам-олам бахт-саодат ато этди, ҳақ-ҳуқуқларимизни, ўзгиллигимизни англаб етдик. Зеро, ўз ҳуқуқини билган инсон ҳамisha эркин бўлади, йўлдан адашмайди, бошқаларни нотўғри қадам ташлашдан сақлаб қолади.

Вилоят прокуратура идоралари ҳам мустақиллигини мустаҳкамлашдек улуғ ишга астойдил ҳисса қўшмоқдалар. Бизнинг эл-юрт

САҲИФАЛАРИМИЗДА НАВОЙ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ



ривожланишининг 2001 йил биринчи ярми аяқларига бағишланган йилгилишида ҳам яна бир қарра таъкидлаб ўтди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни кескин танқид қилиб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаб берди.

Вилоят прокуратураси тadbirkorlik, кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ижросини таъминлаш, бу борадаги айрим муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маълумки, виллоятда етиштирилётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анчагина қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Лекин айрим ҳолларда тadbirkorlar, деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошлаган ташаббусларида сўнғий тўсиқлар қўйилётганлиги, уларни қўллаб-қувватлаш ўрнига ишни орқага суришга сабаб бўладиган ишларга қўл урилаётган-

ИСТИҚЛОЛ ВА ЭҲТИЁЖ САМАРАСИ

1995 йил 7 июлда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг фармони билан Навоий давлат кончилик институти ташкил этилди.

Тарихдан яхши маълумки, азиздан юртимизда ерусти ва ерости бойликлари билан дунё аҳлининг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Шу билан бирга бу заминда ишбаўтган аждоғларимиз кончилик соҳасидаги улкан ютуқлари билан ҳам жаҳонни лол қолдирган. Дунёвий ва дунёвий билмилар чўққиларини забт этган алломаларимиздан қайси бирининг илоҳидан назар ташламайлик, мазкур соҳада бирининг эътиборидан четда қолмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Абу Райҳон Беруний, Ал-Фароғий, Ал-Хоразмий каби барча буюк алломаларимиз мазкур йўналишда изланишлар олиб бориб, унинг тамал тошини қўйиб кетишган. Биз бугун маънавий нуқсонлик соҳасидаги улкан илмий мероснинг ҳақиқий ворислари эканлигимиз билан ҳам фойрилансақ керакдир.

Аслини олганда, инсониятнинг қонларни излаб топиш, қазиб чиқариш нафақат фойдалилиги, балки амалий фаолияти билан ҳам ўзига жалб қилиб келган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Ўзбекистон истиқлолга эришган, туپроғи зар юртимизда ушбу йўналишдаги фаолият кескин жонланди. Бунга Ўзбекистоннинг фойдали қазилмалар қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида дунё микросида салмоқли ўрин тутаётганлигининг ўзбек исбот бўла олади. Эшитроф этиш керак, Ўзбекистонда соҳибхўшлик тартибидан ҳам мазкур йўналишда катта ишлар қилинган. Аммо бу ишлардан нақсад ўзгача эди. Яъни мазкур туپроғи улкан хазина эдики, бошқалардан ўз манфаатларини унқолган тарафда фойдаланиши, ҳоҳлаган-микдорда ташиб кетиши мумкин эди гуё. Мустақиллик шарофати билан бу ҳолга чек қўйишга бошланди. Кончилик институтининг ташкил этилиши ҳам соҳадаги улкан воқеа бўлди.

Мазкур йирик ўқув масканининг айнан Навоий шаҳрида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Маълумки, нафақат Ўзбекистоннинг, балки минтақанинг «элдорадоси» дея тан олинган Навоийда республикамиз санъатининг етакчиларидан бири ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинати фаолият қўрсатиб келмоқда. 2001 йил 12 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Кон-металлургия санъатини унқол қорри малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни таъминлаш тўғрисида» қарар қилинган. Фармонга мувофиқ «Қўзғилқум юдирметаллолти» концерни тарбиялиги Навоий давлат кончилик институти ҳам унинг юридик ҳисса маъмуриини сақлашга аҳд қилди. Бу дегани, бундан кейин концерн ишларида бўлган мамлакатимиздаги барча кончилик санъат қорхоналарига мутахассислар тайёрлаб беради. Президентимизнинг Навоий давлат кончилик институти ташкил этиш борасидаги фармонида ҳам мамлакат кон-металлургия санъатини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, институт олдида қўйилган асосий вазифа мазкур комбинатга малакали мутахассислар тайёрлаб беришдан иборат. Навоий кон-металлургия комбинати қадрлар тайёрлаш бўйича асосий ютуқларини бўлиб, айни пайтда институтимизда мазкур қорхона билан уланган шартнома асосида 460 дан ортиқ талаба таълим олмақда. Шу боис Навоий кон-металлургия комбинати институтига ҳар йили қилиш билан бирга қадрлар тайёрлаш жараёнида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хозир институтда 5 та факультет: кон-металлургия, кимё-технология, энергетика-механика, Зарафшон умумтехника, Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари мавжуд бўлиб, дастлабки йилларда 250 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 2000-2001 ўқув йилига келиб давлат грантлари ва шартнома асосида 630 талаба қабул қилинди. Бугунги кунда институтда 2136 нафар талаба таълим олмақда.

Албатта, бу мутахассисларнинг софизлиш билан таъминлаш муаммо бўлиб турган бир пайтда институт битирувчиларини ишлашга мисал қилиш масаласида қўнғилиш қўнғилиши табиий. Юқорида айтиб ўтганимиздек, битирувчиларимизнинг аксарияти Навоий кон-металлургия комбинати ва тармоқдаги қорхоналарга ишга ҳайитилди. Институтида таълим олган мутахассисларнинг бир қисми ўқулуданги Шимоллий кон бошқармасида, Зарафшондаги Марказий кон бошқармасида, шунингдек, «Навоийэлектр» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий ГРЭС, «Қўзғилқум цемент» ҳисдорлиги ҳамияти, «Электромаш», «Навоий электр тармоқлари» каби йирик қорхоналарда фаолият қўрсатиб келмоқдалар. Шу ўринда бу мутахассислар борасида икки фахрларларни ҳоҳлат тўқталиб ўтмоқчиман: биринчиси, институтда таълим олаётган ёшларимизнинг аксарияти маҳаллий миллат вақиллари эканлиги бўлса, иккинчиси бизга таълим олган ёш мутахассисларнинг мустақил юртимиз истиқболли-юнафти тараққиётини ҳиссаси қўлиб етиштирилганлигидур.

Институтида таълим қилинган ўқув жараёни, янги педагогик технологиялар, талабаларнинг ҳуқуқ билан олишларини унқоллиги берилаётган шарт-шароитлар уюсида батафсил тўқталиб ўтирмай, мазкур ўқув масканининг халқаро даражасидаги фаолиятига бир назар таштайлик.

Навоий Давлат кончилик институти ТЕМПУС-ТАСИС дастурининг 1999-2001 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи» Олий ўқув юрторларида маърафат қўлиш» лойиҳасида Германия, Голландия, Дания университетларида Тошкент давлат техника университетини билан ҳамкорликда ишлорозмоқда (лояиҳа ижро этилганлиги тўғрисида Европа Иттифоқи 467 миң евро микдорда маъбағ харахтган).

Таълим жараёни ва илмий соҳаларда кенг кооперацияни ташкил этиш мақсадида Хитойнинг Марказий-жанубий университети, Москва Давлат кончилик университети, Москва Давлат тўғул ва қишлоқлар институти, Москва геология-ҳидрология академияси, Украина Миллий кончилик академияси, Россия федерацияси кимёвий технологиялар ва ноорганик материаллар бўйича илмий марказлари ва Россия ФАнинг Сибир бўлими қошдаги Хисоблаш технологиялари институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорликлар ва таълим жараёнининг изчиллиги асосида ташкил этилган натоқаси сифатида талабаларимиз, аспирантларимиз ва профессор-ўқувчиларимизнинг қўлга қиритаётган ютуқлари ҳам алоҳида бир мазсу бўла олади. Институт томонидан республика миқлида биринчи марта «Ўзбекистон кончилик хабарномаси» журналининг нашрдан чиқарилиши ҳам мазкур ўқув масканини унқоллиги ошириб беришга хизм қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий маънодаги истиқлол меваси ва эҳтиёж фарзанди бўлган Навоий Давлат кончилик институти унқоллигида бод Ўзбекистонга қарат бўлуничи, Ватан истиқболли-юнафти билан боғланган ёшлар қамол топадиган маскандур. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганчидек: «Келажакда Ўзбекистон ноқадар даражада тараққий этган иқтисоди билан илгача эмас, балки билимдор, маънавий жоғалдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қирой қўлиши лозим».

Рустам ҚАРШИЕВ,

Навоий давлат кончилик институтининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — ОЛИЙ

САОДАТ

Навоий виллоят прокурори, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Ботир КАЛОНОВ билан суҳбат

манфаати йўлида олиб бораётган ишларимизни халқимиз чуқур ҳис этиб, унинг гувоҳи бўлиб турибди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз келажак бўлган ёш авлодини мустақиллигимизнинг ҳақиқий фарзандлари, фидойилари этиб тарбиялаш иши давлат сиёсати даражасида қўтарилган. Бу муҳам йўналишда виллоят прокуратура идораларида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек, эркин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиши ва ақл-заковатига боғлиқ. Ана шу жоҳдан ҳам ҳозирда бу масалага жиҳдий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Мамлакатимизда воқеа етмаганларга оид қонун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Воқеа етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги Қарори, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишлари фикримизнинг далилидир. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ёшларимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Ёш авлод тарбияси, воқеа етмаганлар билан олиб борилаётган ишларни виллоятдаги барча ҳуқуқчи муҳозафа қилиш идоралари, мутасадди ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликдаги кенг қамровли тadbirkorlar асосида олиб бормоқдамиз. Хар ойда виллоят прокуратурасида воқеа етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ишлорозмоқда мувофиқлаштирувчи йиғилишлар ўтказилмоқда. Бундай кенгашларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниши билан бирга, ечимини кутаётган айрим муаммоларни ҳал этиш, иш самарадорлигини ошириш масаласида эътибор қаратганмиз. Йўл қўйилган баъзи камчиликларнинг олдини олиш: орасида ҳам тежор чора-тadbirkorlar қўрилмоқда. Олиб борилган савй-ҳаракатлар натижасида шу йилнинг етти ойи давомида воқеа етмаганлар томонидан сотдир этилган жамоат қўрсаткичи бўлган йилнинг шу даврига нисбатан 24,1 фоизга қамайди.

— Маълумки, тadbirkorlik, кичик ва ўрта бизнес мамлакатимиз тараққийишига зарови ҳисобланади. Айрим ҳолларда эса тadbirkorlar фаолиятида сўнғий тўсиқ қўйиш ҳоллари давом этмоқда...

— Ҳа, тўсиқ. Тadbirkorlik, кичик ва ўрта бизнесни давр талаби асосида йўлга қўймай туриб тараққийишга эришиб бўлмайди. Бунинг ҳақиқат эсимда. Бу борада Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 июлда бўлиб ўтган мамлакат иқтисодий

лиги кишини ранжитади. Масалан, Хатирчи туманидаги Ибн Сино ноили ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М. Сиддиқовнинг айби билан Т. Раҳимов фермер хўжалигида туман ҳокимининг 10 гектар еражазиб бериш тўғрисидаги қарори пайсалга солиб келинганлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан анча вақтдан буйн ечилмаган бу муаммо ҳал этилди. Хозирги кунда ушбу фермер хўжалиги фаолиятини яхши йўлга қўйиб олган.

Афсуски, виллоятда бунга ўхшаган ўзбўларчилик ҳоллари оз бўлса-да, учраб турибди. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг айрим бўлган ҳуқуқлари ўз вақтида аниқланиб, прокуратура органиари томонидан тежорлик билан ҳал этилмоқда. Айрим узоқни ўйламаган раҳбарларга нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Виллоят прокуратура органиари томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликларида 65 тонна омухтаем, 140 тоннадан ортиқ минерал ўғит, 32 гектар ер майдони ва 18 млн. сўм микдорда кредитлар олиб берилишида амалий ва ҳуқуқий ёрдамлар қўрсатилди.

— Сизнинг ҳаёт йўлингиз, серқарра фаолиятинингизни ўз катта бир мактаб. Узоқ йиллар прокуратура идораларида ишлаб келиб, қўллаб муносиб шоғирлар етиштирдик. Хозирги кунда лозаб шоғирларининг республикамизнинг турли прокуратура идораларида уқратиб мушк. Сиз ана шу шоғирларининг қайси фаилатларини қадрлайсиз?

— Шоғирдсиз устозни мевасиз дарахтга қиёс қилишди. Садоқатли, виқдони пок шоғирларим борлиги, уларнинг ютуқларини эшитиб, қўриб қувонаман. Дарҳол уларни қўллаб, ҳамisha ана шундай фидойи бўлиш лозимлигини ўқираман. Бу менга қувонч, куч-гайрат бағишлайди. Шоғирларимнинг асосий хислатлари — уларнинг ишчанлиги, касбларига бўлган садоқатларини қўриб янада севишман.

— Қутлуг байрам арафасидаги тилақларингиз?

— Истиқлол қувши ҳамisha қўллаб, барчамизнинг йўлимизни ёритиб турсин. Мен хар бир ватандошимнинг бахтли бўлишини истаيمان. Хонадонлари ҳамisha шоду ҳурамлиққа, файзу баракага тўлсин. Хар бир киши ўзининг ёруғ нияти, орузининг фидойиси бўлсин. Ҳаётнинг лаззати, мазмуни ҳам менимча ана шунда.

Суҳбатдош:
Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ



Навоий вилоят прокуратураси

ГИЁХВАНДЛИК ИЛЛАТ

ИНСОНИЙЛИК БУРЧИМИЗ

Жамият пайдо бўлибдики, унда амалда бўлган қонунларга зид ҳаракат қилувчи инсонлар тоифаси ҳам мавжуд. Гиёхвандлар ва гиёхванд моддалар савдосини ўзига касб қилиб олганларни ҳам шундай тоифага киритиш ўринли.

Албатта, гиёхвандлар ва наркотикилар ўртасида бирозгина фарқ борлиги маълум. Яъни гиёхванд ёки халқ тили билан айтганда, багилар ўз ҳаётини зимистонга айлантирган, инсонийлик қиёфасини йўқотиб бораётганлар бўлса, наркотики савдоси олами вакиллари эса мол-дунё, моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида, била туриб инсоният наслини қуритишни, инсониятга қушадалиқни ўзига касб қилиб олган кишилардир. Дунё тан олган арбоблардан бири наркотики савдоси олами вакиллари фаолиятини канибализмга қиёслаганида, муболага қилмаган эди. Кенг жамоатчиликка яхши маълумки, сўнгги ўн йилликларда ушбу муаммо энг долзарб ва умуминсоний муаммолар даражасига чиқди. Ёзуликка қарши зғулиқ мавжуд бўлгани каби соғлом фикрли, инсонпарварлик тамойилларини дастур қилиб олган кучлар ҳам борки, улар инсон фарзандларига таҳдид солаётган бу офатга қарши курашга аллақачон сафарбар бўлишган. Бунга гиёхвандликка қарши жаҳон миқёсида олиб борилаётган чора-тадбирларни мисол қилиб келтириш кифоя.

Энди масалага минтақавий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, юртимиз наркотики савдоси ўчоғи саналувчи Афғонистон, ҳозирча маълум маънода унинг таъсирида бўлган Тожикистон билан чегарадош. Европанинг «қора бозорлари»да сотилаётган гиёхванд моддаларнинг асосий қисми афғон тупроғида етиштирилганини ҳисобга оладиган бўлсак ҳам мазкур масала биздан доимо огоҳликни, ҳушёрликни талаб этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёхвандликка қарши кураш борисида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Аммо шунга қарамай турли

ноқонуний йўллар билан гиёхвандлик моддаларининг юртимизга кириб келиши ҳолатлари мавжудлигини, ўткир таъсир этувчи «оқ ажал» - героин домига илиниб қолаётганлар сонининг ортиб бораётганидан ҳам кўз юмаолмаймиз. Афсуски, героин хавфи юртимизнинг чекка ҳудудларини ҳам четлаб ўтмаяпти.

Туманимиз миқёсида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда гиёхвандлик ва наркотики савдосининг олдини олиш борисида кенг қамровда иш олиб бораёпмиз. Бунда асосан гиёхвандлик моддаларини етиштириш ёки четдан олиб келиш, сотиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чораларига эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза: гиёхвандлик, наркотики савдоси инсониятга қарши қаратилган жиноят. Шундай экан, унинг олдини олиш, унга қарши муросясиз кураш олиб бориш ҳар бир соғлом фикрли, эртанги кундан умиди бўлган одамнинг бурчи ҳисобланади. Бирок, баъзида бунинг акси бўлган ҳолатларга ҳам дуч келинади. Мисол тариқасида Хатирчи туман суди ҳукми билан 3 ярим йилга озодликдан маҳрум этилган Одил Юсупов ишини олайлик. Сурхондарё вилояти Ангор туманида истиқомат қилувчи бу фуқаро Хатирчи туманидаги «Дўстлик» кинотеатри олдида гиёхванд модда истеъмол қилган ҳолда юрганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланган. Тингув қилинганда унинг ёнидан героин ва марихуанна гиёхвандлик моддалари топилиган. О.Юсупов ушбу захри қотилини Термиз шаҳри деҳқон бозорида тожикистонлик Файрат исмли шахсдан сотиб олганлигини, гиёхванд моддани сотиш учун эмас, ўз истеъмоли учун олиб юрганлигини таъкидлаган. О.Юсупов қилимишига яраша жазосини олди. Савол туғилади, Одилнинг бу кўчага кириб қолганидан қариндош-уруғи, таниш-билишлари чиндан ҳам беҳабарми? Термиздан Хатирчига акасини излаб келган Одил ўзи билан гиёхванд олиб



Салом САМАДОВ,
Хатирчи туман прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

келади-ю, нахотки буни биров билмаса? Мана сизга лоқайдлик оқибати. Яна бир ҳолат: шу йилнинг 28 июнида туман маркази - Янгиробот шаҳрида яшовчи фуқаро Ҳасан Бектамишев ўзининг С.Ғайбуллаев кўчасида жойлашган хусусий сартарошхонасида героиннинг «чеки»ни 1000 сўмдан Д. исмли шахсга сотаётган чоғида ИИБ ЖКБ тезкор ходимлари томонидан ушланган. Бундан ташқари, Ҳ.Бектемишевнинг уйи ва сартарошхона биноси ёнига яшириб қўйилган героин моддаси ҳам топилиган.

Тўрт нафар фарзанднинг отаси, тулпа-тузук касби қори бўлган Ҳ.Бектемишевнинг бундай қабих ишга қўл уришига нима сабаб бўлган? Масаланинг яна бир томони, унинг ўз ҳамшаҳарларини «оқ ажал» домига тортаётганидан хабардор бўлганлар нега томошабон бўлиб туришди экан?

Хулоса қилиб айтганда, нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки келажакка бефарқ бўлмаган, юрт истиқболи, фарзандлар камолини истаган ҳар бир ватандошимиз гиёхвандлик деган иллатга қарши бўлсагина унинг пайини қирқиш мумкин. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳар биримизнинг зиммасидаги инсонийлик бурчимиздир.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ҚОНУННИ ЧЕТЛАБ ЎТИБ БЎЛМАЙДИ

Навоий шаҳар прокуратураси жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, ҳудудда барқарорликни таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш ҳамда жойларда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши борисида ўз олдида қўйилган вазифани бекаму кўст бажариб келмоқда.

Бу борада қатор мисоллар мавжуд.

Масалан, айрим корхона раҳбарлари қонунларни билмасликлари оқибатида уларнинг қўл остида ишлайдиган ходимлар азият чекиб, сарсон-саргардон бўлишмоқда. «Навоий нон заводи» шўъба корхонаси директори шу ерда ҳисобни бўлиб ишловчи Людмила Дудиева ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруққа имзо қўяркан, «сабабсиз ишга келмадим, вассалом, ишдан бўшатишга ҳақлиман», деб ўйлади.

Аммо иш директор ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ҳисобчи Л.Дудиева ўзининг ишдан ноқонуний бўшатишга ҳисобчи бўлиб қолганлиги ҳисобига шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, ёрдам сўради.

Текширишда аниқланишича, ҳисобчи Л.Дудиева 2000 йилнинг 25-дан 30-сентябрга қадар сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ички меҳнат интизомининг тегишли бандлари ҳамда Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан у билан тузилган меҳнат шартномаси корхонанинг 2000 йил 9 ноябрдаги «131-п» сонли буйруғи билан бекор қилинган.

Ваҳоланки, Л.Дудиева шу давр мобайнида амбулатория даволашида бўлган ва бу ҳақдаги зарур ҳужжатларни корхона маъмуриятига тақдим этган.

Директорнинг юқоридаги буйруғи ноқонуний бўлиб, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисми талабига кўра, ходим вақтинча меҳнат қобилиятсиз бўлган даврда меҳнат шартномасини иш бевручининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмади.

Ушбу буйруқ прокурор протести билан бекор қилиниб, Л.Дудиева ўз ишига қайта тикланди. Иш бевручининг айби билан мажбурий прогн қўнлари учун унга етказилган 76885 сўм миқдордаги моддий зарар ундириб берилди. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун корхона директорига нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чораси қўлланилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Шаҳар прокуратураси ҳам ёрдам сўраб келган ҳар бир тадбиркорнинг арзини эътиборсиз қолдирмаяпти.

Аммо, шундай тадбиркорлар ҳам учрайдики, улар ўз-ўзидан мақсадлари йўлида қонунларни четлаб ўтмоқчи, тўғриси, тегишли рўйхатдан ҳам ўтмай, солиқ ҳам тўламай фаолият юртимизда бўлишди.

Вилоят «Саховат» АЖга қарашли марказий деҳқон бозорида умумий назорат тартибиде ўтказилган текширишда ажабтовр, негадир солиқчилар назаридан узоқ вақт четда қолган баъзи-бир сохта тадбиркорларга дуч келинди.

Шундайлардан бири қасбчилик билан шугулланиб келган Қҳрамон Назаровдир. У деҳқон бозорида 1998 йилнинг 4 январидан 2001 йил 10 март кунга қадар ҳеч



Ботир НОРОВ,
Навоий шаҳар прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

қандай ҳужжатсиз, солиқларни тўламай қасбчилик қилиб келган. Эркиятчилик қарангки, 1998 йилда 39600 сўм, 1999 йилда 24100 сўм, 2000 йилда 117250 сўм, 2001 йилнинг март ойигача 29400 сўм - ҳаммаси бўлиб 210350 сўм миқдордаги солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Қўнғир ишнинг қийми чиқади деганларидек, Қ.Назаровнинг фаолияти фош этилиб, ўзи эса жиноий жавобгарликка тортилди ва ундан 210350 сўмни давлат фойдасига ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

«Қовун қовундан рағб олади» қабилида иш тутган Ойбек Умаров ҳам тегишли давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органида ҳисобда турмасдан деҳқон бозорида қасбчиликни «дўндириб» юрган. У ўз фаолияти даврида, яъни олти ой ичида 73500 сўм солиқни тўлашни «унутиб», бюджетга зарар етказган. Оқибатда у ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, етказилган зарар тўлиқ ундириб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳар ДСИ бошлигининг буйруғи билан 2000 йил 1 ноябрдан ДСИ ходимлари Иноят Мухаммадиев бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлимига таъин бўлинмасининг раҳбари, Тўқтамурод Уроқов бош инспектор ва Фарҳод Жалилов инспектор лавозимларига тайинланган. Аммо, бу солиқчилар юқоридаги каби қонунбузарлар фойдасига фаолият юргизиб ўзларига юклатилган масъулиятни вазифага лоқайдлик билан қараб келишган.

«Қўриб қўрмасликка олиш»нинг баҳоси қанча экан?..

Текшириш натижаларига кўра, И.Мухаммадиев, Т.Уроқов ва Ф.Жалиловларни интизомий жавобгарликка тортиш, қонун бузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш ҳақида шаҳар ДСИ бошлиги А.Эргашев номига тақдиминоа киритилди, Навоий шаҳар ҳокимига ахборот берилди.

Қандайдир қинғирликлар, устамонликлар қилинса-да, қонунни четлаб ўтиб бўлмайди. Энг қулай йўл - қонунга риоя этиш, унинг талабларини бажаришдир. Шундагина барча ишларимиз ривожланиб, тараққий этаверади.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ТОШКЕНТ НОН ШАХРИ»

масъулияти чекланган жамияти

**Ўзбекистон мустақиллигининг
10 йиллиги билан барча
ҳамюртларимизни
муборакбод этади.**



**Истиқлол
муборак,
Ўзбекистоним!**

«САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ ЗАВОДИ»
акционерлик жамияти



**«Самарқанд дарвоза нон» комбинати жамоаси
ва «Янгиобод» маҳалласи аъзолари
ҳамюртларимизни Ватанимиз
мустақиллигининг
10 йиллиги билан қизғин қутлайди.**

«KAVSAR» МИНГ ДАРДГА ДАЪВО

«ABK» хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган «KAVSAR» шифобахш булок суви Ўзбекистон бозоридида яқинда пайдо бўлган бўлса-да, аллақачон харидорлар ишончини оқлаб улгурди. Мутахассисларнинг аниқлашича, «KAVSAR» бошқа турдош маҳсулотларга қараганда ўзининг маъданлар ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Яъни, «ABK» хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган шифобахш маҳсулот чанқов босди эканлиги билан бирга ошқозон-ичак, овқат ҳазм қилиш органлари, бугун оғриклари ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашда энг қулай ва ишончли воситадир.

«ABK» хусусий корхонаси Ватанимиз мустақиллигининг илк медаларидан бири ҳисобланиди, дейди корхона раҳбари Абдулла Комилов. Дастлабки ишлар 1991 йилда бошланган эди ва орадан икки йил ўтиб ҳозирги «ABK» жойлашган ҳудудни ижарага олди. Асосий мақсадимиз шифобахш булок сувини замон талаби асосида қадоклаб чиқариш эди. Дастлаб кичик цех қуриб, тикувчилик ва трикотаж бўлимларини очдик. Ишимиз кундан кунга юриша бошлади. Бироқ асосий мақсадни бир пас бўлса-да унутганимиз йўқ. Чет элдан ҳамкорлар қидира бошладик. Тез орада Германиялик мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатдик. Ўзбекистон таъши иқтисодий фаолият Миллий банкдан узоқ муддатли қарз олиб, корхонага шифобахш булок суви қадокловчи хориж ускуналари ўрнатдик. «ABK» 2000 йилда Ватанимиз истиқлолининг 9 йиллигига муносиб тўёна сифатида «KAVSAR» ёрлиги остида биринчи маҳсулотимизни савдога чиқардик.

Бозор иқтисодиёти турли турдош корхоналар ўртасида ҳақиқий рақобатни юзага келтирди. Бундай шароитда иш юритиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Устига-устак бугун мамлакатимизда шифобахш чанқовбости ичимликлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар сони ёмғирдан кейинги қўзиқориндан кўпайиб кетди. Ҳатто улар орасида рақобатга бардош бераолмай банкрот бўлганлари ҳам йўқ эмас.

Узоқни кўра билган «ABK» хусусий корхонаси эса, дастлаб бозор шарт-шароитини тўла ўрганиб, сўнгра маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Асосий эътиборни маҳсулот сифати, унинг шифобахшлигини янада оширишга ва харидорлар ишончини аъло даражада оқлашга қаратди. Шунга яраша харидорлар сони ҳам кундан кунга кўпаяверди. Жорий йилнинг олти ойида ишлаб чиқариш сурати 2000 йилга қараганда кескин ошди. Маҳсулотни хорижга экспорт қилиш имкониятлари пайдо бўлди.

Хусусий корхонада ҳозир 24 киши хизмат қилади, уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ёмон эмас. Корхонада хизматчилар учун барча шароит-шароитлар яратилган ва бу «ABK» иш суратининг янада ошишига ёрдам бермоқда.

Сиз ҳам «ABK» билан ҳамкорлик қилсангиз ҳеч қачон адашмайсиз. «KAVSAR»нинг минг дардга даъволиги аллақачон исботланган ҳақиқатдир.



**Халқимизни энг улус,
энг азиз байрамимиз —
истиқлолнинг 10 йиллиги
билан қутлаш шарафидан мамнунимиз.**

«ABK» корхонаси жамоаси

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

Ўзбекистон-Лехтенштейн «САМАРҚАНД LTD»

қўшма корхонаси жамоаси

Мамлакатимиз аҳлини
Ўзбекистон мустақиллигининг
10 йиллиги билан
муборакбод этади

«БЕК НОН» комбинати
жамоаси

10

Барча ватандошларимизни
республикамиз
мустақиллигининг 10
йиллиги билан табриклайди

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«САРДОРХОН
КАРВОНСАРОЙ»
корхонаси
жамоаси



МУСТАҚИЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«Хоразм-Мавера пласт» қўшма корхонаси

«VAN PLAST»

масъулияти
чекланган
жамиияти

Барча ватандошларимизни
мустақиллигининг 10 йиллиги
билан қизил қўл билан
Ватандошларимизга бахт-саодат,
зну шиларида омадлар бўлсин.



Энги ачинарлиси, бунга узимиз, узимизнинг матбуот сабабчи бўлди.

Менинг бугазетага ҳеч қандай хусуса-